



## XV–XVII АСРЛАРДА РОССИЯ ЭЛЧИ ВА САЙЁХЛАРНИНГ АСАРЛАРИДАГИ ЭТНОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР

**Якупбаева София Боғибековна**

*Қорақалпоқ давлат университети 2- курс магистранти*

**Садикова Нуржамал Рахимбергеновна**

*Қорақалпоқ давлат университети 2- курс магистранти*

**Аннотация:** Мақола XV–XVII асрларда Россиянинг географик ва маданий кенгайиши, шу даврдаги элчи ва сайёҳлар кузатувлари орқали етказилган этнографик маълумотлар таҳлиliga бағишланган. Унда русларнинг турли халқлар билан алоқаси, маҳаллий аҳоли ҳаёти, урф-одатлари, дин ва байрамлар, ҳамда хорижлик ёзувчиларнинг Россия маданияти ва турмуш тарзи ҳақидаги фикрлари ўрганилган. Мақолада ҳамда Россиянинг кўп миллатли давлатга айланиши ва этнографик билимларининг кенгайиши таъкидланади.

**Калит сўзлар:** Россия, этнография, элчи, сайёҳ, XVI–XVII асрлар, дина, урф-одат, Поссевино, Герберштейн, Спафарий.

**Аннотация:** Статья посвящена анализу этнографических сведений, переданных через наблюдения российских послов и иностранных путешественников XV–XVII веков, в период географического и культурного расширения России. Рассматриваются контакты русских с различными народами, особенности быта местного населения, их обычаи, религия, праздники, а также взгляды зарубежных авторов на русскую культуру и образ жизни. В статье также подчёркивается превращение России в многонациональное государство и расширение этнографических знаний.

**Ключевые слова:** Россия, этнография, посол, путешественник, XVI–XVII века, религия, обычаи, Поссевино, Герберштейн, Спафарий.

**Annotation:** The article is devoted to the analysis of ethnographic information conveyed through the observations of Russian envoys and foreign travelers of the 15th–17th centuries, during the period of Russia's geographical and cultural expansion. It explores the interactions between Russians and various ethnic groups, the lifestyle of local populations, their traditions, religion, festivals, as well as foreign authors' perceptions of Russian culture and daily life. The article also emphasizes the transformation of Russia into a multinational state and the development of ethnographic knowledge.

**Keywords:** Russia, ethnography, envoy, traveler, 16th–17th centuries, religion, customs, Possevino, Herberstein, Spafariy.

### КИРИШ

XV–XVII асрларда Россия давлатининг ҳудудий кенгайиши ва кўп миллатли давлатга айланиши тарихий жиҳатдан муҳим давр ҳисобланади. Бу даврда



Поволжье, Заураллие, Сибирь ва ҳатто Амур соҳалари Россиянинг таркибига кириб, янги халқлар билан тўғридан-тўғри алоқалар пайдо бўлди. Русларнинг янги минтақалардаги ҳаракати ва маҳаллий аҳоли билан мулоқотлари нафақат сиёсий ва иқтисодий, балки маданий ва этнографик билимларни ҳам кенгайтди.

Хорижлик элчи ва сайёҳлар бу ҳудудлар ҳақида ўз кузатувларини ёзиб қолдиришди. Улар орасида австриялик дипломат Герберштейн, папский посол Антонио Поссевино ва молдавиялик Николай Спафарий каби шахслар эътиборлидир. Уларнинг асарлари русларнинг кундалик турмуши, урф-одатлари, дин ва байрамлари ҳақида батафсил ахборот берган. Бу маълумотлар бугунги кунда ҳам этнография ва тарих соҳалари учун муҳим манба ҳисобланади.

Шунингдек, XV–XVII асрларда Россия элчи ва сайёҳларининг асарларида келтирилган этнографик маълумотлар тарихий манба сифатида катта аҳамиятга эга. Ушбу даврда Россиядан Марказий Осиё, Кавказ ва Шарқ мамлакатларига юборилган элчилар ва савдо-сайёҳлар маҳаллий халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, кийиниши, диний эътиқодлари ҳамда ижтимоий муносабатлари ҳақида қимматли кузатувлар қолдирганлар.

Бу асарларда халқларнинг кундалик ҳаёти, оилавий муносабатлар, меҳнат фаолияти ва маросимларига оид маълумотлар бевосита гувоҳлик асосида баён этилган. Айни пайтда, айрим маълумотлар муаллифларнинг субъектив қарашлари билан боғлиқ бўлса-да, улар ўша давр жамиятининг этник ва маданий манзарасини тиклашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, XV–XVII аср Россия элчи ва сайёҳлари асарлари этнография ва тарих фанлари учун алоҳида илмий қийматга эга.

Россиянинг ҳудудий кенгайиши ва этнографик ёндашув

XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрда Россия ҳудудий жиҳатдан катта тезлик билан кенгайди. Ермак Тимофеевичнинг Сибир походлари маҳаллий хановликларни забт этиш ва янги ҳудудларни Россияга қўшишда муҳим аҳамият касб этди. Шу даврда руслар Турон, Даур ва Тунгус каби халқлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишди. Ушбу ҳаракат натижасида руслар учун этнографик билимлар кенгайди — улар янги халқлар, уларнинг турмуши, урф-одатлари ва иқтисодий фаолияти ҳақида аниқ маълумот олдилар.

Одамлар кичик гуруҳларда янги ҳудудларга бориб, маҳаллий аҳоли билан алоқада бўлиб, улардан ясақ олиш, аманат олиш ва ҳарбий-стратегик ахборот йиғиш билан шуғулландилар. Бу маълумотлар «отписки», «распросные речи» ва «статейные списки» шаклида расмий ҳужжатларга киритилди. Масалан, Василий Поярковнинг 1643–1646 йилларда Амур соҳаларида олиб борган сафарлари ҳақидаги ҳисоботлари маҳаллий халқлар, уларнинг қишлоқлари, хўжалиги ва яшаш тарзи ҳақида батафсил маълумот беради.

Николай Спафарий ва Сибирдан Хитойга сафар



Молдавиялик Николай Милеску-Спафарий (1625–1708) 1675 йили Россиядан Хитойга элчилик сафарига иштирок этган. Спафарий ҳар бир қишлоқ, юрт ва у ерда яшовчи халқлар — руслар, остяки, татарлар, тунгус ва бурятлар ҳақида маълумот берган. Шу билан бирга, маҳаллий аҳоли ҳаёти ва иқтисодий фаолияти — қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, овчилик ва саноат тарзи — ҳам тасвирланган.

Хорижлик кузатувчиларнинг Россия аҳолиси ҳақидаги фикрлари

Хорижлик элчи ва сайёҳлар русларнинг диний амалиёти ва урф-одатларига катта эътибор берган. Герберштейн ва Поссевино ўз асарларида русларнинг масихий дини, ибодат амалиётлари, байрамлари, кундалик турмуши ва социокультур жиҳатларини тасвирлаган. Масалан:

- Поссевино ва Берберини тасвирича, руслар орасида махсус байрамлар, масалан, Крещение ва Троица, катта аҳамиятга эга ва уларни катта меҳнат ва урф-одатлар билан нишонлайдилар.

Чет эл кузатувчилар шунингдек русларнинг антропологик хусусиятлари, жисмоний қуввати, чидамлилиги ва маданий одатларини ҳам қайд этган. Бу маълумотлар Европа олами учун рус маданияти ва турмуши ҳақида муҳим этнографик ахборот ҳисобланади.

Россиянинг кўп миллатли давлатга айланиши ва этнографик билимлар

Россиянинг Сибир ва Шарқий ҳудудларга кенгайиши орқали руслар янги халқлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилдилар. Бу эса этнографик билимлар ҳамда давлатнинг ижтимоий-сиёсий олами учун муҳим натижалар берди. Элчи ва сайёҳлар асарлари орқали ҳозирги кунда ҳам бу даврдаги рус жамиятининг ижтимоий, маданий ва диний хусусиятлари ҳақида кенг маълумот олиш мумкин.

Хулоса

XV–XVII асрларда Россия элчи ва сайёҳларининг асарлари рус жамияти ва унинг этнографик ривожланиши ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этади. Ушбу асарлар орқали русларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, дини, байрамлари, кундалик одатлари ва ижтимоий муносабатлари ҳақида маълумот олиш мумкин. Герберштейн ва Поссевино каби хорижлик кузатувчилар, шунингдек, русларнинг религиоз одоб-ахлоқи, ибодат амалиётлари ва икконалик урф-одатлари ҳақидаги тафсилотларни диққат билан қайд этган. Улар кўпинча руслар орасидаги диний савод ва урф-одатларнинг Европа стандартларидан фарқини кўрсатган ва бу орқали рус маданиятига алоҳида эътибор қаратиш имконини берган.

Молдавиялик Николай Спафарийнинг Сибир орқали Хитойга сафарлари ҳақидаги ҳисоботлари эса руслар ва маҳаллий Сибир халқлари ўртасидаги мулоқот ва алоқаларни аниқ тасвирлайди. Унинг сафарлари маҳаллий аҳоли ҳаёти, хўжалиги, иқтисодий фаолияти ва ижтимоий тузилмаси ҳақида кенг ва аниқ маълумотлар берган. Бу эса рус жамиятининг янги ҳудудлардаги



кенгайиши билан боғлиқ этнографик билимларнинг таркибий қисмини ташкил қилади.

Хорижлик элчи ва сайёҳлар кузатувлари, шу билан бирга, Россиянинг этнографик манбалари сифатида ҳам аҳамиятлидир. Улар орқали тарихчи ва этнографлар рус жамиятининг маданий ва диний хусусиятларини, маҳаллий халқлар билан алоқаларини ва кўп миллатли давлатдаги ижтимоий муносабатларни кенгроқ тушуниш имконига эга бўладилар. Шу боис, XV–XVII асрлардаги элчи ва сайёҳлар асарлари нафақат тарихий ҳужжат, балки этнографик тадқиқот учун ҳам асосий манба ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и в России. //Бартольд В.В.Сочинения. Т. IX. — М.: «Наука», 1977. - С.
2. Герман. Исторический взгляд на сношения России с хивинское областью. Вестник Европы, 1822.
3. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XV1 — середина XIX вв.). - М.: ИВЛ. 1958.
4. Р.Р.Алимова. Урта Осиё хонликларининг кушни давлатлар билан дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатлари. Т. 2017.
5. Горсей Дж. Записки о России XVI-начало XVII. М.: МГУ, 1991.
6. Дулов А. В. Географическая среда и история России, конец XV — середина XIX в. М.: Наука, 1983.